ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
www.insonvaqonun.uz
www.insonvaqonun.adliya.uz

2018 йил 17 апрель
сешанба № 15 (1115)

Бир ҳовуч дур

Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.

Адоват эмас адолат енгади.

Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар.

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

Куч — адолатдадир.

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

АМИР ТЕМУР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида, биринчи навбатда, ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш йўли билан амалга оширишни кўзловчи адлия органлари ва муассасаларига муҳим роль ажратилмоқда.

Сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, айниқса, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, уларнинг юридик хизматларини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари бўйича адлия органлари ва муассасаларининг роли ва масъулиятини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, адлия органлари ва муассасалари фаолиятида ҳуқуқий ислоҳотларнинг юқори самарадорлик даражасига эришишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, адлия органларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг мавжуд эмаслиги бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланиш даражасининг чуқур ўрганилишига, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда;

иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан ва нотўғри талқин қилинишига йўл қўймаслик юзасидан жойларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилмаган;

учинчидан, адлия органларига фаолият йўналишига мувофиқ бўлмаган ва бир-бирини такрорловчи, айниқса, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасидаги вазифаларнинг юкланганлиги давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш соҳасида уларга юкланган биринчи даражадаги вазифаларни бажариш учун мавжуд куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, амалга оширилаётган ислоҳотлар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича жойларда адлия органларининг иши лозим даражада ташкиллаштирилмаган, бунинг натижасида эса аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти, айниқса, қишлоқ жойларда қониқарсиз даражада қолмоқда;

бешинчидан, юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас;

олтинчидан, адлия органлари ва муассасалари ходимларини ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг паст даражада эканлиги мазкур соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, барқарор кадрлар захирасини шакллантириш имконини бермаяпти ҳамда ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятига салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, адлия органлари ва муассасалари фаолиятига янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, уларни замонавий воситалар ва ускуналар билан жиҳозлаш қониқарсиз ҳолатда қолмоқда.

“2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ ҳамда давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг устувор йўналишлари, деб қуйидагилар:

биринчи, адлия органларини “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир”, деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона давлат ҳуқуқий сиёсати амалга оширилишини таъминлайдиган профессионал хизматга айлантириш;

иккинчи, адлия органлари фаолиятига, устувор равишда, танқидий таҳлил ва ҳуқуқий муаммоларни, аввало, бевосита жойларда ишларни самарали ташкил этиш йўли билан ҳал этишга асосланган, сифат жиҳатидан янги механизмларни жорий этиш;

учинчи, давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш соҳасидаги фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш, танқидий таҳлил асосида изчил ва бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчи, ҳуқуқий тарғибот ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишнинг замонавий ва таъсирчан услубларини жорий қилиш, уларга қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчи, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини, маъмурий тартиб-таомиллар ва давлат хизматларининг сифатини комплекс ва танқидий таҳлил қилишда адлия органларининг ролини ошириш, бу соҳаларда қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олтинчи, ўз фаолиятлари юзасидан жамоатчиликка тизимли равишда маълумотлар тақдим этиш йўли билан адлия органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот бериш тартибини жорий этиш, уларнинг аҳолини ташвишга солувчи муаммоларга юзаки муносабатда бўлиши ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаш;

еттинчи, юридик кадрларни, айниқса, талаб қилинаётган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш, юриспруденция соҳасидаги мутахассисларни ўқитишнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш, юридик кадрларни етакчи хорижий таълим муассасаларига тизимли равишда юбориш;

саккизинчи, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини, халқаро жамоатчилик ва хорижий инвесторларни мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ҳақида хабардор қилиш механизмларини ташкил этиш;

тўққизинчи, адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларни ижтимоий ва моддий рағбатлантиришнинг янги механизмларини, шу жумладан, уларни хизмат уйлари билан таъминлашни жорий этиш;

ўнинчи, адлия органлари ва муассасаларининг барча тузилмалари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган касб-ҳунар коллежлари юридик хизматларининг штат бирликлари ҳисобидан, “республика – вилоят – туман (шаҳар)” уч поғонали принципи бўйича вертикал бошқарувни жорий этган ҳолда туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилсин.

Белгиланган, касб-ҳунар коллежларининг тугатилаётган юридик хизматлари функциялари тегишли туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан амалга оширилади.

3. Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар:

ҳокимларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларидаги ижрочиларга етказиш, “республика — вилоят — туман — маҳалла” принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тугатилсин.

5. 2018 йил 1 июлдан бошлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФҲДЁ деб юритилади) органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимини юритиш, ФҲДЁнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФҲДЁ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилсин.

6. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра, 2018 йилдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ахборот тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йил якуни бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади;

туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ҳар чоракда тегишлича туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

давлат органлари ва ташкилотларига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига белгиланган тартибда халқаро арбитражлар ва суд ишлари масалалари бўйича бажарилиши мажбурий бўлган топшириқлар юбориш;

адлия органлари ва муассасалари, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, халқаро арбитражлар ва суд ишлари бўйича ўқиш ва малакаларини ошириш учун ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларига юбориш ҳуқуқи берилсин.

8. Тошкент давлат юридик университетининг Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази негизида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган, бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 25 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ташкил этилсин.

Қуйидагилар Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг инновацион услублари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиш амалиётини таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш;

етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафталик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

бир ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда туман (шаҳар) ҳокимликларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

икки ойлик муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р.Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 апрель

АДЛИЯ МИНБАРИ

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ ЖОНГА ОРА КИРМОҚДА

ХОРАЗМ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ адлия бошқармаси томонидан олиб борилган жонли мулоқотлар натижасида Боғот туман “Миришкор” қишлоғидаги бир гуруҳ фуқароларнинг мурожаатлари қаноатлантирилди. Жумладан, Абдулла Олланазаров, Моможон Қўзибоева, Муҳаббат Рўзиматова, Клара Отаниёзоваларнинг шифохонада даволаниши учун йўлланма олиш, Умар Жумабоевнинг компьютер-томография аппаратураси орқали касаллигини аниқлашга қаратилган сўрови амалга оширилди. Зулфия Эрназарованинг болаликдан 1-гуруҳ ногирон ўғли учун тиббий аравача ажратиладиган бўлди. Шунингдек, ўрганишлар жараёнида вилоят адлия бошқармасига шикоят аризаси билан мурожаат қилган Ҳамро Каримовга ҳам зарурий ёрдам кўрсатилди. Маълум бўлишича, фуқаро ва Хоразм йўл қурилиш ташкилоти ўртасидаги меҳнат шартномаси 6 ой муқаддам бекор қилинган. Аммо шундай бўлсада, мазкур корхона унга тегишли иш ҳақини тўлашга шошилмаган. Адлия бошқармаси томонидан фуқаро Ҳ.Каримовнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, тегишли суд органига киритилган даъво аризасига асосан суд жавобгар тараф зиммасига фуқаро олдидаги қарзни тўла узиш мажбуриятини юклади. Шу аснода Хонқа туманидаги “Намуна” қишлоғида яшовчи Севара Маметованинг талаби ҳам тўлиқ қаноатлантирилди. Аниқланишича, С.Маметова фуқаро К.Қаландаров билан никоҳсиз турмуш қуриб, 2 нафар фарзанд кўрган. Орадаги келишмовчилик боис норасмий оила барбод бўлган. Ачинарли тарафи, уларнинг дилбандлари 2012 йил ва 2013 йилда туғилган фарзандлари учун туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олинмаган. Адлия бошқармаси юзага келган ҳолатни атрофлича ўрганди. Пировардида, ҳар иккала фарзанд номига туғилиш гувоҳномалари ёзилди.

Қайд этиш жоизки, вилоят адлия бошқармаси томонидан давлатимиз раҳбари кўрсатмасига асосан жисмоний ва юридик шахсларни қийнаётган, ташвишга солаётган масала ва муаммоларни жойларга чиқиб, аҳоли билан мулоқотларни кенг йўлга қўйган ва сайёр қабулларни уюштирган ҳолда ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йил бошидан буён вилоят туманларидаги 18 та маҳаллада фуқаролар ва юридик шахс мақомидаги субъектлар вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди. Уларда кўтарилган масалалар алоҳида назоратга олиниб, тегишли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, йилнинг 1-чораги мобайнида олинган 216 та, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси орқали йўлланган 44 та мурожаатнинг аксарияти кўриб чиқилди. Шу баробарида кўпгина мурожаатлар муаллифларига амалий кўмак билан ҳуқуқий маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди.

Айбек МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

ТИНГЛОВЧИЛАРГА МАЛАКА СОҲИБИ ГУВОҲНОМАЛАРИ БЕРИЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизмат ходимларининг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтиришга қаратилган бўлиб, уларнинг билим ва малакасини ошириш билан боғлиқ қатор чора-тадбирларни кўзда тутади.

Адлия вазирлиги масаланинг бу жиҳатини назарда тутган ҳолда юридик хизмат ва адвокатура соҳаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этди. Хоразм вилояти маркази Урганч шаҳрида Президентимиз Қарорига асосан ташкил этилган икки ҳафталик ўқув машғулотларига юридик хизмат ва адвокатура соҳасининг 100 дан зиёд ходимлари жалб қилинди.

Ўқув машғулотларининг бошланишига бағишланган маросимда вилоят адлия бошқармаси раҳбарлари, мамлакатимизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари, амалиётчилар сўзга чиқиб, уюштирилаётган ўқув-семинарларнинг мақсад ва моҳияти, кадрлар салоҳиятини кучайтириш соҳасидаги режа ва дастурларга атрофлича тўхталдилар.

Ўқув машғулотлари Урганч давлат университетида ўтказилаяпти. Дастлабки машғулотларда Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази олим ва ўқитувчилари, тадқиқодчилар замон талаблари, юридик соҳа янгиликлари ва бу борадаги ўсиш-ўзгаришлар, амалиётга доир жиддий ва долзарб вазифаларни ўзида акс эттирган қизиқарли маърузалар билан чиқдилар.

Давоми 2-бетда.

АДЛИЯ МИНБАРИ

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Таъкидлаш жоизки, кадрлар малакасини оширишга қаратилган шу ва бошқа тадбирлар Адлия вазирлиги, Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ишлаб чиқилган сайёр ўқув режасига мувофиқ, кўп сонли тингловчиларга қўшимча ва етарли қулайликлар яратиш, бу билан боғлиқ сарф-харажатларни сезиларли даражада камайтириш мақсадида бевосита биринчи бор мамлакат ҳудудларининг ўзида амалга оширилаяпти. Ўқув курсларининг қатнашчилари Юристлар малакасини ошириш марказининг тингловчиси мақомида малака оширадилар. Ўқув дастурлари эса ранг-баранг ва замонавий юридик таълимнинг барча назарий ҳамда амалий жиҳатларини қамраб олган.

Машғулотлар якунида ўтказиладиган синовлар бўйича тингловчиларга малака соҳиби гувоҳномалари тақдим этилади.

Тингловчилар ва ўқув курсларининг ташкилотчилари фикрига кўра, малака оширишнинг бундай усули келгусида жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизматни юксак билим, маҳорат ва назарияга асосланган амалиёт негизида ташкил этиш, соҳа фаолиятини янада юқори босқичга кўтариш имконини беради.

Абдулла СОБИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

ФАРҒОНА

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ КУНЛАРИ ВА АДЛИЯ САЙЛИ

МАМЛАКАТИМИЗДА қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири бу — аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятни оширишдир. Шу боис жорий йилнинг 6-8 апрель кунлари Қувасой шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан вилоят адлия бошқармаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси, Адвокатлар палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси ва бошқа дахлдор идоралар ҳамкорлигида “Ҳуқуқий ахборот кунлари” ва “Адлия сайли” ўтказилди.

Унда адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги давлат нотариал идоралари ҳамда ФҲДЁ бўлимлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича, шунингдек, маъмурий ва иқтисодий судлар, солиқ, ички ишлар бошқармалари, вилоят “Ермулккадастр” давлат корхонаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Фарғона вилояти вакиллиги, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши масъул ходимларидан иборат 10 та “Ҳуқуқий

тарғибот гуруҳлари” тузилиб, мавжуд 30 та маҳалладаги ҳар бир хонадонда аҳоли билан мулоқотлар ташкил этилди. Мазкур учрашув ва мулоқотларда фуқаролар асосан биометрик паспорт, пенсия ва нафақалар, ишга жойлашиш, имтиёзли кредит олиш, уй-жой, туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш, соғлиқни сақлаш ҳамда алимент масалаларида мурожаат этишди. Натижада, мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди, айримлари юзасидан эса тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Албатта, бугун аҳолига ҳуқуқий ахборотларни тезкор етказиш давр талабидир. Бинобарин, фуқароларга “Telegram” мессенжеридаги “Huquqiy axborot” канали, “Facebook”даги “Фарғона адлия билан мулоқот” саҳифаси ҳамда “Lex.uz” сайти ва бошқа ижтимоий тармоқлар ҳақида батафсил тушунчалар берилди. Шунингдек, маҳаллаларда “Оила муқаддас”, “Ҳуқуқ билимдонлари”, “Қонун менинг тасаввуримда” мавзуларида, “Гулистон” ва “Сўфон” маҳалла фуқаролар йиғинларида эса “Оилада эркак ҳамда аёлнинг роли” мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Энг эътиборлиси, тадбир ташкилотчилари “Обод қишлоқ” лойиҳаси асосида Полмон ва Пакана маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ободонлаштириш ишларида ҳам иштирок этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адлия сайли доирасида аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда 390 нафар ишсиз фуқаро корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринларига ҳамда ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жойлаштирилди.

Бундан ташқари, судлар томонидан 3 та сайёр суд мажлиси ўтказилди. Қувасой шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси вазифасини бажарувчи Ҳусанбой Матсапаев томонидан эса сайёр нотариал ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, шаҳарнинг А.Навоий кўчаси 119/6-уйда яшовчи 89 ёшли Пайзи Тожиеванинг беморлиги сабабли ўз қизи Ойдин Аҳмеджановага Халқ банки Қувасой фи-

лиали ғазнасидан пенсия пулини олиб туриш учун берган ишончномаси хонадоннинг ўзида нотариал тасдиқланди. Ойдин Аҳмеджанова хонадон соҳиби Маҳамаджон Аҳмеджановнинг турмуш ўртоғи бўлади. Тақдир тақозоси билан Маҳамаджон аканинг оёғи синиб, юриши қийинлашиб қолган. Шу боис унинг ҳам Ойдин опага пенсиясини олиши учун берган ишончномаси нотариал расмийлаштирилди.

Буни қарангки, адлия сайли иштирокчилари Қобилбек қишлоғида яшовчи Ёқубжон Маткаримов ва Райҳона Муҳаммаджоновларнинг қувончига ҳам шерик бўлишди. Яъни, уларнинг 2018 йил 3 апрель куни туғилган ўғли Муҳаммадкарим Холмуҳаммадовнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси Қувасой шаҳар ФҲДЁ бўлими томонидан туғуруқхонада тантанали равишда топширилди. Ёки шаҳардаги Сардор Аҳмаджонов ва Моҳирахон Исроиловаларнинг никоҳ маросимлари ҳам тантанали равишда ўтказилди.

Қувасой шаҳрида 90-сонли имконияти чекланган (кар ва соқов) болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати мавжуд. Адлия сайли иштирокчилари муассасанинг тарбияланувчилари ўқувчи-тарбияланувчилари билан учрашиб, уларга эсдалик совғаларини туҳфа этишди.

АНДИЖОН

ФУҚАРОЛАР ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФУҚАРОЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида адлия бошқармаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Андижон вилоят бошқармаси, Адвокатлар палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси ва бошқа давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда вилоятнинг Пахтаобод туманида “Фуқаролар давлат органларига эмас, давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши керак!” шиори остида “Ҳуқуқий ахборот кунлари” ўтказилди.

Тадбирнинг дастлабки икки кунида адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги давлат нотариал идоралари ҳамда ФҲДЁ органлари, солиқ, ички ишлар бошқармалари, вилоят “Ермулккадастр”, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, Бандликка кўмаклашувчи Марказ, Мусулмонлар идораси Андижон вилоят вакиллиги, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши масъул ходимларидан иборат 230 нафар ишчи ходим иштирокида 13 та ишчи гуруҳи ташкил этилиб, тумандаги жами 67 та маҳалла фуқаролар йиғинида 240 та учрашув ва давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, паспорт, пенсия, ишга жойлашиш, банк муассасаларидан кредитларни олиш, мол-мулк (уй-жой)га бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш, тиббий хизматдан фойдаланиш каби мурожаатларни ташкил этиб, ишчи гуруҳи аъзолари томонидан уларга жойида тааллуқли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Юридик хизмат ходимлари ва адвокатларни жалб қилган ҳолда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш, одамларга ҳуқуқий маълумотларни тезкор етказишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиб, ҳар бир иштирокчига “Telegram” мессенжеридаги “Huquqiy axborot” канали, “Facebook”даги “Андижон адлия билан мулоқот” саҳифаси ҳамда “Lex.uz” сайти ва бошқа ижтимоий тармоқлар ҳақида тушунчалар берилди.

“Ҳуқуқий ахборот кунлари”нинг сўнггги учинчи кунида Пахтаобод тумани хиёбони ва марказий ўйингоҳида ташкил этилган якуний байрамона тадбир “Ҳуқуқий сайл”га айланиб кетди.

Тарғибот ва маърифат тадбирига 62 нафар нотариус, 19 та ФҲДЁ, 58 та давлат хизматлари марказлари, 43 нафар адвокат, 63 нафар юридик хизмат ходими жалб этилиб, улар томонидан фуқароларга жойида тўғридан-тўғри бепул ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, иштирокчиларга 1000 дан ортиқ турли хилдаги бадиий адабиётлар ва бошқа китобларнинг тарқатилиши халқнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилади.

Энг асосийси, меҳнат ярмаркасида аҳоли ва коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш юзасидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилиб, таклиф этилган 180 та бўш иш ўрни бўйича 115 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

“Инсон ва қонун” мухбири Ёрбек ИСКАНДАРОВ тайёрлади.

БУГУНГИ кунда юридик хизмат соҳаси ходимларига эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Зеро, шартномавий-ҳуқуқий, моддий ва мулкий муносабатларни шакллантириш, бу борадаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш, ҳамкасбларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг муаммоларига ҳуқуқий ечим топишда мазкур хизмат ходимларининг ўрни ва роли бениҳоя катта.

ЮРИДИК ХИЗМАТ:

ваколат доираси кенгайди, моддий таъминоти ошди

Президентимизнинг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори айнан шу жиддий ва масъулиятли ишнинг амалдаги рўёбини таъминлашга хизмат қилмоқда. Қарор билан юридик хизмат юқори мақом ва нуфузга эга бўлди, фаолияти янги босқичга кўтарилди. Қарор ижроси доирасида тизим ходимлари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатишнинг бир қанча янги шакл ва усуллари жорий қилинди, бу борада доимий мониторинг тадбирлари йўлга қўйилди.

Қарор билан давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларини ташкил этишнинг аниқ шакллари, минимал норматив ва мезонлари қатъий белгиланди.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, бугунги кунда, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматларида 5 100 та штат бирлиги мавжуд. Шундан 1750 та юридик хизмат штат бирлиги янги ташкил этилди.

Давлат органлари ва ташкилотларида кўрсатилаётган юридик хизмат фаолиятининг сифатига ҳам алоҳида урғу берилиб, янги тартиб бўйича энди ҳар уч йилда ходимлар малакасини ошириши ва аттестациядан ўтишлари мажбур этиб белгиланди.

Бу борада Адлия вазирлиги томонидан юридик хизмат ходимларининг малакасини ошириш бўйича ҳар бир ҳудудда сайёр ўқишлар ташкил этилди. Аввал ҳудудий давлат органлари ва ташкилотларида хизмат қилаётган юридик хизмат ходимлари ортиқча сарф-харажат билан Тошкент шаҳрида малакаси оширилган. Эндиликда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш Маркази устозларидан иборат гуруҳлар томонидан вилоятларда сайёр ўқиш ташкил этилиб, натижада давлат органлари ва ташкилотларининг 1165 нафар юридик хизмат ходимлари малакасини оширишга ва 750 нафарини аттестациядан ўтказилишига эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминоти даражасини ошириш ва соҳага амалий тажрибага эга юқори малакали кадрларни жалб қилиш мақсадида юридик хизмат ходимларига мартаба даражаларини бериш тартиби, узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устамалар тўланиши ҳамда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ҳар чоракда мукофотлаш тизими жорий этилди.

Юридик хизмат ходимига ҳуқуқни қўллаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳам кўпгина ваколатлар берилди. Ваҳоланки, ушбу вазифада ишловчи ходим узоқ вақт мобайнида бундай ҳуқуққа эга бўлмаган ҳолда кўпинча эса самарасиз фаолият кўрсатиб келган.

Эндиликда, бу каби камчилик ва нуқсонлари барҳам топмоқда. Жумладан, юридик хизмат ходимларининг лавозим разрядлари Президентимиз Қарори талабларига мувофиқлаштирилиб, уларнинг мартаба даражаларига мувофиқ ва узоқ муддатли хизмати эвазига қўшимча ҳақ тўлаш механизми яратилди ҳамда бунинг амалдаги ифодасини бугунги кунгача 750 нафар юридик хизмат ходимига мартаба даражалари берилгани, уларга 15 дан 18 фоизгача ҳамда кўп йиллик хизмати учун 5 дан 30 фоизгача миқдорда устама ҳақ тўланаётганида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, юридик хизматдаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлардан интернет орқали эркин фойдаланиш имконияти ҳам яратилди.

Бугунги кунда, республикамизнинг энг олис ва чекка ҳудудларидаги давлат органлари ва ташкилотларида ҳам юридик хизмат ташкил этилган бўлиб, улар давлат идораларида қонунийликни таъминлаш, янги чиқаётган норматив ҳужжатларни ижрочиларга ва кенг оммага етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятларини профессионал тарзда бажариб келмоқда. Адлия вазирлиги томонидан Тошкент давлат юридик университетида ташкил этилган семинарда шу каби фикрлар хусусида сўз борди. Семинарда республикамизда фаолият юритаётган вазирликлар, давлат идоралари ва ташкилотларнинг юридик хизмат ходимлари иштирок этди.

Нусратулло ПАРПИХЎЖАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

2018 ЙИЛ 25 январда матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги Қонун билан янги кодекс тасдиқланди. 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган кодекс 5 бўлим, 37 боб ва 347 моддадан иборат. Кодекс билан иқтисодий судларда ишларни юритиш тартиби янада такомиллаштирилди. Соҳага оид қонунчилик ва амалиётдаги айрим камчиликлар бартараф этилди. Муҳими, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш механизмлари мустаҳкамланди. Бу эса тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

ЯНГИ КОДЕКС КУЧГА КИРДИ

КОДЕКСДАГИ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАР

Қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодексда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгроқ фойдаланишга оид норма белгиланди. Эндиликда суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этиш янада кенгайтирилади. Бундай замонавий услубнинг кенг жорий этилиши суд мажлислари тўлиқ қонун талаблари асосида ўтишини таъминлайди. Шунингдек, суд мажлисида ёзилган аудио ёки видеоёзув билан унда қатнашган шахсларни таништириш имконияти берилмоқда. Жараённинг аҳамиятли томони шундаки, юқори судлар томонидан қуйи судларда олиб борилаётган ишлар, суд мажлисларининг қонунга мувофиқлиги юзасидан ўрганишлар ўтказишда ҳам бу амалиёт қўл келади. Иш бўйича юқори инстанция судига шикоят тушганда қуйи судда кўрилган ишга оид жараённи тўлиқ қайта кўриб чиқиш, хатога йўл қўйилган бўлса, буни ҳеч қандай монеликсиз аниқлаш имконияти юзага келади.

МУТАХАССИС СУД ИШИДА ҚАТНАШАДИ

Амалиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, суд иш юритувига турли соҳаларга оид ишлар келиб тушади. Ҳар соҳанинг, хусусан, судда кўриб чиқилаётган ҳар бир ишнинг ўзига хос томонлари бўлади. Уларга аниқлик киритиш мақсадида айрим ҳолларда экспертиза хулосаси талаб қилинади. Бу эса вақт, маблағ талаб этадиган жараёндир. Айрим низоларни ҳал қилишда эса мутахассиснинг маслаҳати (тушунтириши) етарли ҳисобланади.

Шунинг учун бу борада қулайлик яратиш, суд ишининг белгиланган муддатда кўриб чиқилишини таъминлаш учун иқтисодий суд иш юритувининг иштирокчилари рўйхатига мутахассис киритиладиган бўлди. Ўз соҳасини яхши билган мутахассисдан ишга алоқадор масалаларда маълумот олишнинг ўзиёқ масалага ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам бу мутахассис одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида судда қатнашади.

Эндиликда назорат инстанцияда иш юритишни белгиловчи нормалар ҳам тубдан қайта кўриб чиқилди. Бундан буён назорат инстанциясида ишлар, нафақат Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг протести, балки назорат шикояти асосида ҳам кўриб чиқилади. Бу суд иш юритуви иштирокчиларининг юқори инстанцияга мурожаат қилиш ҳуқуқини кенгайтириб, одил судловга эришиш даражасини оширади.

АДВОКАТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ОШАДИ

Кодексда яна бир муҳим ўзгаришлардан бири бу шартномавий (ихтиёрий) вакилларнинг рўйхати келтирилганлиги бўлди. Судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин. Бу жамиятда адвокатларнинг ўрни ва роли ошишига ҳам замин яратади.

Шунингдек, коммунал тўловлар юзасидан қарздорликни ундириш бўйича ҳам ўзгартиришлар киритилди. Бунда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаблар билдирилганида суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши зарурлиги аниқ белгилаб қўйилди. Чунки бу қарздорлик асоссиз ва нотўғри ҳисобланишининг олдини олади. Шу билан бирга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам кўмаклашади.

Низоларни, тарафларни ўзаро келиштириш асосида ҳал қилишга бағишланган келишув битимига оид янги боб кодексдан ўрин олди. Низоларнинг самарали ҳал қилинишини таъминлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга қаратилган бундай меъёр аввал қонунчиликда кенг акс эттирилмаган эди. Эндиликда келишув тушунчаси, уни қандай ҳолларда тузиш мумкинлиги битта бобга қамраб олиниб, кенгроқ тушунтириб берилди.

Суғдиёна БАКИРОВА,
Юқори Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди ходими

ИШ БИТГАНДАН СЎНГ ВАЪДА ВАЪДАЛИГИЧА ҚОЛИШИ КЕРАКМИ?

ЖИЗЗАХ вилоят адлия бошқармасига “Jizzaxgazsuvqurilishservis” хусусий фирмаси раҳбари Р.Орзиқулов мурожаат қилди. Мурожаатда “Даштабод пахта тозалаш” АЖдан 8.386.000 сўм қарзни ундиришда амалий ёрдам сўраган.

Аниқланишича, хусусий фирма билан акциядорлик жамияти ўртасида автобусларда теримчи ташиш бўйича 2017 йил 12 сентябрда 4-сонли шартнома тузилган.

Шартноманинг 3.1.1 бандида теримчиларни фермерлар даласига олиб бориш ва олиб келиш хизмат ҳақи 361.000 сўмдан “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши, 3.3 бандида “Буюртмачи” 5 кундан кечиктирмай транспорт хизмати учун тўловни амалга ошириши лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, “Буюртмачи” шартнома шартларини қўпол равишда бузиб, “Бажарувчи” томонидан бажарилган ишлар учун 8.386.000 сўм пул маблағини ҳозирги кунга қадар тўламасдан келган.

Шунингдек, шартномаларнинг 3.3 бандига мувофиқ “Буюртмачи” томонидан хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кунга тўлов миқдорининг 0,5 фоизи шартнома суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда “Бажарувчи”га жарима тўлайди.

Шу сабабли, “Jizzaxgazsuvqurilishservis” хусусий фирмаси фойдасига “Даштабод пахта тозалаш” АЖ ҳисобидан 8.386.000 сўм асосий қарз ва 4.193.000 сўм пеня, жами 12.579.000 сўмни ундиришни сўраб, Зомин туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг 2018 йил 23 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан “Jizzaxgazsuvqurilishservis” хусусий фирмаси фойдасига “Даштабод пахта тозалаш” АЖ ҳисобидан 8.386.000 сўм асосий қарз, 1.677.200 сўм пеня жами 10.070.200 сўм ундириш кўрсатилди.

Тошпўлат ҚУРБОНОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ИШ ҲАҚИСИЗ ИШЛАГАН ХОДИМ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

МИРЗАОБОДЛИК фуқаро Х.Халбаев Сирдарё вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси Мирзаобод туман филиалида ишлаб келган. Ходим ишлашга ишлагану, иш ҳақини ололмай юрган. Ва иш ҳақини сўраб бир неча маротаба корхонага мурожаат қилган. Аммо ижобий жавоб ололмагач, фуқаро адолат излаб, Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Ўрганиш натижасида, адлия бошқармаси ходимлари томонидан вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси Мирзаобод туман филиалидан Х.Халбаев фойдасига жами 1.407.558 сўм ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, фуқаро фойдасига жами 1.407.558 сўм пул маблағи ундирилиши белгиланди.

Жаҳонгир ШОМИРЗАЕВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА...

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

ЖОРИЙ йилнинг 25 март куни Россия Федерациясининг Кемерово шаҳрида фожеа юз берди. “Зимняя вишня” савдо кўнгилочар марказида кучли ёнғин содир бўлди. Натижада, 64 нафар одам ҳалок бўлди. Энг ёмони, ҳалок бўлганларнинг 41 нафарини ёш болалар, мактаб ўқувчилари ташкил этади. Ҳаётининг сўнгги лаҳзаларида болаларнинг ота-оналарига: “Отажон, онажон биз ёнаяпмиз, биз ўляпмиз”, деб қилган қўнғироқлари ва ёзган SMSларини ойнаи жаҳон орқали кўзимизда ёш билан кўрдик.

Жабрдийдаларга қалбан ҳамдард бўлиб, “Боланинг бегонаси бўлмайди”, деган нақлнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир карра амин бўлдик. Айниқса, ота-она, уч фарзанди ва синглиси каби бутун бошли оилаларнинг ҳалок бўлишини, биз ўзбеклар, ҳатто душманимизга ҳам раво кўрмаймиз. Россия оммавий ахборот воситалари томонидан дастлабки берилган маълумотларга қараганда, ёнғин содир бўлган вақтда савдо марказидаги ёнғинни автоматик равишда сезиш ва овозли хабар бериш қурилмалари ишламаганлиги, қаватлар қисқа вақтда тутунга тўлиб, оқибатда, фуқароларнинг аксарияти хоналарда қамалиб қолганлиги, шунингдек, савдо маркази ходимлари томонидан фуқароларни эвакуация қилиш ишларини тўғри ташкил қила олмаганлиги маълум бўлди. Болалар ўйин-аттракцион майдончалари, кинотеатрлар бинонинг учинчи-тўртинчи қаватларида жойлашганлиги ўзи очилиб, ёпиладиган магнит эшикларни электр энергиясида носозликлар келиб чиққан пайтида очилмаслик ҳолатлари, ёнғин хавфсизлиги сигнализацияларнинг ишламаслиги, фавқулодда ҳодисаларга мажмуа томонидан тайёр эмаслиги рўй-рост айтиб ўтилди.

Фожиа тафсилотлари билан танишар эканмиз, пойтахтимиздаги “Мегапланет”, “Парус”, “Самарқанд дарвоза” каби фарзандларимизнинг севимли масканларига айланиб улгурган мажмуалар кўз олдимизда намоён бўлди. Биз пойтахтимиздаги савдо-кўнгилочар мажмуалардаги ҳолатни билиш учун мутасадди муассасалар билан боғландик.

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ЁН ва ПБ катта муҳандиси, майор:

— Кемерово шаҳридаги ёнғин сабабли кўплаб фуқароларнинг ҳалок бўлиши қалбимизни ларзага солди. Айни дамларда Тошкент шаҳар ИИББ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг барча диққат эътибори пойтахтимизда жойлашган йирик савдо кўнгилочар мажмуаларга қаратилган. Юқоридаги ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2018 йилнинг 29 мартидан то шу кунгача пойтахтимизда жойлашган “Мегапланет”, “Next”, “Жуманжи”, “Парус”, “Шарқона ягона савдо”, “Макро”, “Самарқанд дарвоза” каби йирик савдо марказларида ёнғин ўчириш амалий тактик машғулотлари ўтказилди. Машғулотлар давомида марказ ходимлари ва унга ташриф буюрган фуқаролар билан ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда эвакуация қилиш ишлари ташкиллаштирилиб, машғулотлар давомида марказларнинг захира чиқиш йўлларининг ҳолати, ёнғинни автоматик равишда сезиш ва овозли хабар бериш қурилмаларининг созлиги, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан қай даражада таъминланганлиги ҳамда ёнғин вақтида ходимлар ўз вазифаларини билишлари ўрганиб чиқилди. Машғулотлар якунида қатнашувчилар билан ёнғин хавфсизлиги борасида суҳбат ўтказилди. Масалан, пойтахтимиздаги энг йирик мажмуа 3000 кишигача одам бўлиши мумкин бўлган “Самарқанд дарвоза” савдо марказида ҳам ўқув-машғулоти ташкил этилди. 50 дан зиёд фуқаролар кинозалда фильм томоша қилаётган пайтда эвакуация ҳақида чақириқ овози эълон қилинди. Фуқаролар йўриқномалар асосида хотиржам бинони тарк эта бошлашди. Лекин айрим фуқаролар ўзларини йўқотиб, юқори қаватларга кўтарилиб кетишди. ЁХБ ходимлари махсус “автозиналар” ёрдамида уларни “қутқаришди”. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги бу каби тадбирлар келгусида давом эттирилиши режалаштирилган.

Бобур ЁҚУБОВ,
“Самарқанд дарвоза” савдо мажмуаси директори:

— “Самарқанд дарвоза” номидаги савдо кўнгилочар мажмуаси 2013 йил қурилган бўлиб, бинонинг ёнғинга чидамлилиги 2-даражали, умумий майдони 19600 кв.м.ни ташкил қилади. Бино деворлари пишган ғиштдан, қаватлараро ёпилмалар монолит бетондан қурилган. Поллари бетон, мармар, керомагарнет, алюминий панем, “Аристрон” алюмин панеллар катта тош ойналар фасадлари замонавий катта ҳажмдаги ойналар билан қопланган. Ташқи деворлар метал каркаска 3 рангдаги керамик плиталар билан ишланган. Оралиқ алюмин витраж профил билан ишланган 1-қават каркасдаги 10-12 мм қалинликдаги витраж ойналари билан ишланган. Ташқи тўсиқлар антаалюминий ва металдан бажарилган. Томининг ёпилмаси бетон қурилма, устидан руберойт қопламаси билан қопланган. 2-қаватдан 5-қаватгача чўққи конусли гумбазли ёруғ бўшлиқ мавжуд. Мажмуада 6 та юк пассажир лифти, эскалатор, траболатор ва 5 та эвакуацион зиналар мавжуд.

Бинонинг олд томонида 3 та, шунингдек, орқа ва ён томонларида 5 та захира чиқиш эшиклари мавжуд. Бино ёнғинга қарши замонавий қурилмалар билан жиҳозланган. Дымовой датчик, сув пурковчи сплинкер мосламалари туну кун ишлаб турибди. Ҳар қаватда эвакуация учун захира йўлаклари мавжуд бўлиб, улар орқали автотураргоҳга чиқиб кетиш мумкин. Бинонинг ҳар бир қаватида 120 дан ортиқ ёнғин хавфсизлиги қутилари ўрнатилган. Бинога 400 дан ортиқ видеокузатув камералари ўрнатилган бўлиб, қатъий назорат остидадир. Бинодаги 200 дан ортиқ ишчи ходимлар ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва йўриқномаларига амал қилган ҳолда иш олиб борадилар. Бир сўз билан айтганда, мажмуамиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳамиша амал қилиб келади ва бу борадаги ҳаракатларимизни асло сусайтирмаймиз.

С.Ҳикматуллаев,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Матбуот хизмати бошлиғи:

— Кўнгилсиз ходисаларнинг содир бўлмаслиги учун уларнинг олдини олиш, экстремал вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш инсонлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолишнинг асосий услубларидан биридир. Зотан, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракатни амалга ошириш борасида тайёргарликдан ўтган инсон ярим қутқарилган инсондир.

Кўнгилочар савдо марказларида ўтказиладиган муҳофаза тадбирларига алоҳида тўхталадиган бўлсак, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан 2016 йилда “Мегапланет”, “Next”, “Самарқанд дарвоза” кўнгилочар-савдо марказлари ҳамда вилоятлар марказларидаги одамлар оммавий тўпланадиган жойларда раҳбарият ва ишчи хизматчиларнинг тайёргарлигини ошириш мақсадида 40 га яқин махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилган.

Жорий йил 28 мартдан 10 апрелга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 60 дан ортиқ кўнгилочар йирик савдо марказларида ўқув-машғулотлари ўтказилди. Ҳозирда бу каби тадбирлар давом эттирилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги савдо фаолияти билан шуғулланувчи йирик корхоналар (ҳар хил турдаги очиқ ва ёпиқ бозорлар) да ҳам ўқув машқлари ўтказилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш – мувофиқлаштирувчи органлар томонидан рухсат берилгандан сўнг амалга оширилишини инобатга олиб, текширишлар ўрнига хавфсизликни таъминлашга қаратилган чоралар кўрилганлигини ўрганиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, амалий ўқув машқларини ўтказиш тадбирлари олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, соғлиқни сақлаш вазирликлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Ўқув-машқлари давомида асосий эътибор — фавқулодда вазиятлар содир бўлганда шаҳар (туман) ФВДТ хизматларининг куч-воситалари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш бўйича объект раҳбарияти ва ишчи хизматчиларнинг кўникмаларини оширишга қаратилган бўлиб, унда ёнғин содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш, савдо мажмуаларидан одамларни эвакуация қилиш ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалий ҳаракатлар бажарилади.

Ўқув машғулоти давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва кўрсатмалар берилади.

Мутахассис тавсияси:

Замонавий йирик савдо мажмуалари – фуқароларнинг кундалик харид қилиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун энг қулай ва оммабоп масканларига айланган.

Ушбу мажмуаларда хавф-хатар юзага келиши ҳақида фикр туғилиши қийин бўлсада, уни эътибордан чиқариш мумкин эмаслигини англашимиз керак.

Жумладан, энг кўп учрайдиган хатар – ёнғиндан сақланиш учун қуйидаги оддий қоидаларга амал қилишимиз зарур:

- савдо марказларига кирганингизда ўзингиз юрган йўлингиз (маршрут)ни эслаб қолишга ҳаракат қилинг, чунки кутилмаганда уни дарҳол тарк этишингиз керак бўлиб қолиши мумкин;
- асосийси фавқулодда эвакуация йўлаклари жойлашувига эътибор беринг, одатда улар махсус ёзувлар ёки алоҳида белгилар билан кўрсатилади (масалан: кўрсаткич, югураётган одам ва ҳ.к белгилари);
- савдо марказларида тутунни кўришингиз ёки тутун ҳидини сезишингиз билан саросимага тушманг, ўзингизни қўлга олинг ва дадил ҳаракатланинг, аввало, хавфнинг ҳақиқий кўламини баҳолашга ҳаракат қилинг, агар ушбу савдо маркази сизга таниш бўлса, уни энг хавфсиз йўналишда тарк этишга ҳаракат қилинг, хавфсиз жойга чиқиб бўлиб, ёнғин хавфсизлиги ходимларига қўнғироқ қилинг;
- кўп миқдорда тутун билан қопланган жойга имкон қадар яқинлашманг;
- юқори қаватларга чиқманг, четларда жойлашган хоналарга яширинишга уринманг;
- ёнғин пайтида лифтдан фойдаланманг, уни исталган вақтда тўхтатиб қўйишлари мумкин;
- ёнғин пайтида энг муҳими — нафас олиш йўлларини заҳарли тутундан ҳимоя қилишдир, бунинг энг осон йўли — намланган дастрўмол ёки бошқа мато билан нафас олиш йўлларингизни беркитинг (агар матони намлашнинг иложи бўлмаса, у ҳолда қуруқ мато ҳам бўлади);
- иложи борича пастроқда жойлашинг, чунки тутун концентрацияси қуйида камроқ бўлиб, юқорида кўпроқ тўпланади;
- оёқ остида қолиб кетмаслик учун керакли жойга ўртача тезлик билан чиқишга ҳаракат қилинг;
- тутун ичида кўриш ёмонлашганда, деворлар ёки тутқичларга суяниб, ҳаракатланинг;
- агар йўлингизда ҳарорат кўтарилиб кетаётганини ҳис қилсангиз, ортга қайтинг;
- оломон орасида қолиб кетсангиз, қўлларингизни мушт қилиб, тирсакларингизни эгинг ва уларни икки ён томонингизга босинг, оёқларингизни олдинга тираб, танангизни орқага ташланг, ортингиздаги босимни ушлаб туришга ва олдиндан жой бўшатиб ҳаракатланинг;
- агар кийимингиз ёнаётган бўлса, ҳар қандай ҳолатда ҳам югуриш мумкин эмас, чунки югуриш алангани кучайтиради. Оловни ўчириш учун ерга ётиб думалаш ёки ёнаётган кийимни ечиб ташлашга ҳаракат қилинг. Кислороднинг олов билан кириш-ишини чеклаш учун ўзингизни қаттиқ мато ёки кийим билан ўрашингиз мумкин. Терига олов таъсирида ёпишиб қолган матоларни кўчириб олишга ҳаракат қилманг — буни шифокор қилгани маъқул;
- имкон қадар ёнғинни ўчиришда савдо марказининг ходимларига ёрдам беришингиз мумкин, аммо уларга халақит бермаслик янада муҳимроқ эканлигини унутманг;
- савдо марказларининг ходимлари ёнғин хавфсизлиги бўйича тайёргарликдан ўтишлари ва шу каби ҳолатларда ҳаракат режасини ишлаб чиқишлари керак.

Кичик ёнғинлар содир бўлганда, яъни ўт ўчирувчиларнинг ёрдамисиз ёнғинни ўчириш имконияти мавжуд бўлса, дарҳол ўчириш чораларини кўринг.

Ёнингизда ёрдамга муҳтож ва ҳаёти хавф остида қолганларни кўрсангиз, албатта ёрдам қўлини узатинг, аммо ўз хавфсизлигингизни ҳам унутманг.

Хулоса қилиб айтганда, бу фожиа барчамизни огоҳликка чақирди. Ва албатта, хавфсизлигимиз ўз қўлимизда эканлигини англашимизга туртки бўлди.

Шуҳрат СУЯРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

БУГУННИНГ МУАММОСИ

“ОРЗУ-ҲАВАС” ҚУРБОНИ БЎЛМАНГ!

СОВУҚ гапнинг хабари тез тарқайди. Қўшни маҳалладаги танишимиз бевақт оламдан ўтибди. Таъзияга бордик. Тор кўчада жойлашган ҳовлига анчагина одам йиғилган. Гўё осмон ҳам унга оғайнидек, мотамсаро қиёфада қовоғини осган.

Хуллас, чумоли мисол меҳнаткаш, камсуқум, камтарин, ҳалол ва соддадил бир инсонни сўнгги манзилга кузатиб қайтдик.

Маҳалладошлар таъзиядан бошлари хам бўлиб қайтаркан, у кишининг ёрқин фазилатлари ҳақида бот-бот эслаб, хўрсинишди.

Айтишларича, яқинда кенжа қизининг ҳам тўйи бўлиш арафасида экан. Бўлғуси қудалар қизнинг сарпосига кўнгли тўлмай тўйни тўхтатмоқчи бўлибди. Қизининг бахти учун улар айтганидек, шохона сарпо қилишга эса ота шўрликнинг қўли калталик қилибди. Шусиз ҳам икки қизни элдан кам қилмасдан узатган бу кишининг қарзи бир дунё экан.

Аёл қуданинг эса “орзу-ҳаваслари” тугай, демайди. Унинг молпараст, шуҳратпарастлиги ориятни ўлимдан устун билган инсонга қимматга тушибди. “Қудачилик минг йилчилик”, деган нақлга амал қилмаган, узоқни ўйламаган қуданинг тўйдан олдин қилган маломатлари унинг соғлиғига жиддий зарар етказибди.

Алалхусус, эндигина элликни оралаган танишимиз кутилмаганда юрак хуружи оқибатида оламдан ўтди.

Ўйлаб қоламиз, ахир, бу дахридун ғавғолари умримиз заволи бўлишга арзирмикин? Кимнингдир ҳавои орзу-ҳаваслари, бемақсад истаклари қурбони бўлишимиз шартмикин? Ёки ўша тийиқсиз тўй-томошалар, бемаъни урф-одатлар, номақбул анъаналарни ўтказсак яшашда маъно, турмушда ҳаловат топа оламизми? Қачонлардир, кимлардир томонидан ўйлаб топилган бир тийинга қиммат удумлар ҳайрихоҳига айланиб, бидъат йўлига кириб, ўзлигимизни йўқотиб, қарзга ботиб, сазои бўлиш аҳмоқлик эмасмикин? Ёхуд бу дабдабабозлик, кимўзарлик, ортиқча сарф-харажатлар эвазига қилинган тўй-томошаларимизда бирон фазилат, хусусият кўраяпмизми? Қудалар ўртасидаги совуқчилик, оилавий можаролар, ажралишлар, тирик етимлар камайяптими? Аксинча...

Тан олишимиз керак, шу пайтгача асрлар давомида сайқалланган, исботини топган панд-насиҳатлар, қоидаларга қулоқ тутмасдан, менсимаслик, ўзбошимчалик, такаббурлик йўлини тутдик. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлиши, хусусан, дабдабали маросимлар, ундан кейинги исрофгарчилик, қарзга ботиш каби нохуш ҳолатларга чек қўйиш вақти етганини ҳам ниҳоят англадик.

Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда “Нуроний” жамғармаси фаолларининг Мурожаати эълон қилинди.

Мурожаат асосида “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишланган тадбир ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги Олий Мажлис Сенатининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хусусан, лойиҳада оилавий тадбирларни ўтказишда шуҳратпарастлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилган. Негаки, оилавий тадбирлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат молиявий аҳволига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир ўтказмоқда. Ачинарлиси, ёш оилалар ўртасидаги ажралишларнинг аксарияти, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ҳолда келиб чиқаётган можаролар оқибатида юз бермоқда.

Шунингдек, лойиҳада оилавий тадбирларни ўтказиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда уларни ихчам, камтарона, исрофгарчиликка йўл қўймаган ҳолда ташкил этиш, жумладан, тўй-ҳашамларда 150 нафаргача, ош бериш маросимларида 200 нафаргача киши қатнашиши, никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2 тадан кўп бўлмаган енгил автомашинадан фойдаланиш ҳамда бошқа бир қатор тартиб-қоидалар белгиланган.

Ушбу лойиҳа кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, фуқаролар томонидан ушбу ташаббус қўллаб-қувватланди, шунингдек, қарорни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва фикрлар билдирилди.

Бир сўз билан айтганда, миллий маънавиятимиз, халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс этган бой меросимизни теран ўрганиш, уларни ёш авлодга тўғри ва холис етказиш, тўй ва маросимларни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўтказишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зотан, бугун ижтимоий ҳаётимизда жамоат тартибини ўрнатиш, халқ фаровонлиги ва инсон манфаатини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган қонун ва қарорлар эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
“Инсон ва қонун” мухбири

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Ягона дарча марказида 2017 йил 5 майда 515222 рақамли ёзув билан давлат рўйхатидан ўтган “AZIZA OZODBEK” хусусий корхонаси (СТИР 304 877 266) таъсисчисининг 2018 йил 16 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, G-9А-мавзе, 8-уй, 37-хонадон манзилида қабул қилинади.
Тел.: (93) 504-99-29.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Ягона дарча марказида 06.05.2016 йилда 007945-01 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “ALISHER QURILISH” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 303 930 652) 2018 йил 16 апрелдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Катта Қани кўчаси, 3-уй манзилида қабул қилинади.
Тел.: (90) 317-74-56.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 19.01.2018 йилда 567197 сон билан давлат рўйхатидан ўтган “OZOD BUNYODKOR GROUP” хусусий корхонаси (СТИР 305 232 221) таъсисчисининг 2018 йил 16 апрелдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 25-мавзе, 22-уй, 3-хонадон манзилида қабул қилинади.
Тел.: (90) 372-92-65, (90) 112-17-28.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Ягона дарча марказида 06.05.2016 йилда 007945-01 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “ALISHER QURILISH” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 303 930 652) 2018 йил 16 апрелдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Катта Қани кўчаси, 3-уй манзилида қабул қилинади.
Тел.: (90) 317-74-56.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 16.04.2013 йилда 005535-01 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “TORNADO EXTRACT” оилавий корхонаси (СТИР 302 451 688) 2018 йил 16 апрелдаги йиғилиш қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Ю.Саккокий 3-тор кўчаси, 10-уй манзилида қабул қилинади.
Тел.: 247-83-94.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Ягона дарча марказида 30.11.2017 йилда 556740-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “JAMILA TEX” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305 156 893) таъсисчисининг 2018 йил 13 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Лочин 5-тор кўчаси 1-уй манзилида қабул қилинади.
Тел.: (97) 704-13-28.

Бектемир туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2015 йил 10 августда 001663-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган “DILBAR BARAKA” ХК мулкдорининг қарорига асосан ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги муълум қилинади.
СТИР: 303414257.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддатда қуйидаги телефон рақамида қабул қилинади.
Тел.: (+99890) 944-80-65.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Қозиробод, 32-2 уйда жойлашган Давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтган “FATA MORGANA” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305197463) таъсисчисининг 2018 йил 11 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон рақам орқали қабул қилинади: Тел.: 586-33-52.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, Гавҳар кўчаси, 124-уйда жойлашган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида давлат рўйхатидан ўтган “AMEROZ INDUSRIES” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси (СТИР 202377877) таъсисчисининг 2018 йил 3 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон рақам орқали қабул қилинади: Тел.: (90) 356-18-82.

Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган “VENO-ASIA” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси (СТИР 202479512) таъсисчисининг 2018 йил 3 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон рақам орқали қабул қилинади: Тел.: 279-60-77.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, 9-9-12 уйда жойлашган Ягона дарча марказида давлат рўйхатидан ўтган “XAKIMJON MOHINUR BARAKA SAVDO” хусусий корхонаси (СТИР 305401311) таъсисчисининг 2018 йил 3 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон рақам орқали қабул қилинади: Тел.: (93) 202-88-00.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, Чилонзор кўчаси 97-14 манзилида жойлашган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида давлат рўйхатидан ўтган “BEAUTIFUL SMILE” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 206994179) таъсисчисининг 2018 йил 3 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон рақам орқали қабул қилинади: Тел.: 277-16-40.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, 40-А уй манзилида жойлашган Давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтган “ISLOM IBROHIM BIZNES” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305387069) таъсисчисининг 2018 йил 10 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон рақам орқали қабул қилинади: Тел.: (90) 901-50-50.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман, Лутфий кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган Давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтган “IMPERIAL EXTRA GROUP” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305008886) таъсисчисининг 2018 йил 4 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон рақам орқали қабул қилинади: Тел.: (90) 972-16-76.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман ТСРЎ инспекциясида 27.05.2013 йилда 005834-01 реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “GULNORAXON FARM” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 302 620 224) штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Тел.: **(94) 625-51-56.**

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 25.01.2018 йилда 568957-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “COURIER SERVICE” хусусий корхонаси (СТИР 305 245 370) 2018 йил 10 апрелдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Кичик халқа йўли Фарҳод ва лойиҳадаги Г30,0м кўчалари оралиғида жойлашган Блок-8 савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси манзилида қабул қилинади.
Тел.: **(93) 321-00-12.**

Яккасарой туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 1995 йилда 000998-11 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган Milord МЧЖ 630 пк асосида ихтиёрий тугатилди. Ҳамда ушбу жамиятга тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 27.03.2015 йилда 007538-03-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “ZEST SERVICE” МЧЖ (ИНН 301832371) таъсисчисининг 05.04.2018 йилдаги қарорига асосан тугатилди. Ҳамда МЧЖга тегишли 007538-03 сонли 27.03.2015 йилда берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддат ичида Миробод туман, Д.Кунаев кўчаси, 39-уй, 64-хонадонда қабул қилинади.
Тел.: **(90) 928-66-82.**

Миробод туман Ягона дарча томонидан 17.04.2017 йилда 508750-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “MERCY MODERN” хусусий корхонаси (СТИР 304 835 136) таъсисчисининг 11.04.2018 йилдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддат ичида Миробод тумани, Янги замон кўчаси, 8-уй, 27-хонадонда қабул қилинади.
Тел.: **(90) 324-77-00.**

Тошкент шаҳар, Миробод туман “Ягона дарча” марказида 22.04.2017 йилда 510803-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “BRIGHT FUTURE COMPANY” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304849054) 2018 йил 27 мартдаги йиғилиш қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Миробод туман, Сайхун кўчаси, 166-уйда қабул қилинади.
Тел: **(99) 890-09-40.**

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 25.01.2018 йилда 569259-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “HONG RUN” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305247273) 2018 йил 4 апрелдаги йиғилиш қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Миробод туман, 8 март кўчаси, 97-уйда қабул қилинади.
Тел: **(94) 688-03-08.**

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 02.04.2018 йилда 593276-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “MAFTUNA-SULTAN” хусусий корхонаси (СТИР 305 448 624) 2018 йил 6 апрелдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Иззат кўчаси, 102 Б-уй, 160-хонадонида қабул қилинади.
Тел.: **(90) 974-94-24.**

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 10.02.2017 йилда 008549-01 реестр рақам билан қайта давлат рўйхатидан ўтган “COMSOFT BUSINESS SOLUTION” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 304 632 610) 2018 йил 6 апрелдаги 1-сон қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Дадил кўчаси, 47-уйда қабул қилинади.
Тел.: **(97) 404-33-50.**

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Ягона дарча марказида 09.04.2017 йилда 504801-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “TOSHKENT BARAKA SAVDO MARKAZ” хусусий корхонаси (СТИР 304 811 965) 2018 йил 11 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Қовунчи кўчаси, 45-уй олди манзилида қабул қилинади.
Тел.: **(91) 416-45-00.**

Тошкент шаҳар, Миробод туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 01.04.2015 йилда 007550-03-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “OMADLI KALIT” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303284744) 2018 йил 27 мартдаги йиғилиш қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Миробод туман, Миробод кўчаси манзилида қабул қилинади.
Тел: **(99) 669-70-87.**

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Ягона дарча марказида 28.04.2017 йилда 512993-сон билан давлат рўйхатидан ўтган “LORA WINNER” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 304 862 776) таъсисчисининг 2018 йил 11 апрелдаги қарорига асосан тугатилди.
Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Юнусобод туман, 2-16-14 манзилида қабул қилинади.
Тел.: **(90) 904-24-44.**

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисидаги” Қонуни 13¹-14-моддаларига ҳамда вазирликнинг 2018 йил 2 апрелдаги 103-106-ум-сонли буйруқларига мувофиқ “NIZAM USTINLIGI” адвокатлар ҳайъати адвокати Бекпулатов Рахат Алтынбаевичнинг ва “ADVOKAT TUREEV AYBEK” адвокатлик бюроси адвокати Туреев Айбек Арисовичнинг адвокатлик лицензияси ва адвокатлик мақоми уч олдан ошмайдиган муддатга тўхататилди.
Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисидаги” Қонуни 16-моддасига мувофиқ “NIZAMLI QORG’AW” адвокатлик бюроси адвокати бўлган Низаматдинов Жолдас Мнажатдиновичнинг 2011 йил 14 июлдаги QR №000125-сонли ва “GRAND PROTECTION” адвокатлик бюроси адвокати бўлган Юсупов Бахадир Муратовичнинг 2010 йил 25 ноябрда берилган QR №000107-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялари ва адвокатлик мақомларининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2018 йил 2 апрелдаги 104-105-ум-сонли буйруқлари билан тугатилди.
***
Фарғона шаҳридаги “FEMIDA GRAND” адвокатлик бюроси адвокати бўлган Сиддиков Вохобжон Валиевичнинг (лицензия 24.08.2016 йил, FE 000319, адвокатлик гувоҳномаси №443, 21.10.2016 й.) адвокатлик тузилмасидан чиққанлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 13¹-моддаси 1-қисмининг 6-бандига ҳамда вилоят адлия бошқармасининг 2018 йил 23 мартдаги 99-ум-сонли буйруғига асосан адвокат мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига

ИЛЛАТ

КОРРУПЦИЯГА қарши АДОЛАТ БИЛАН КУРАШИЛАДИ

ҚАДИМГИ юнон файласуфи Аристотелнинг шундай гапи бор:

“Ҳар қандай давлат тизимида қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларнинг ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим”.

Коррупцион қилмишларга муносабат ватанимиз тарихида анча қадимдан мавжуд бўлганлиги ҳақида тарихий манбаларда, мутафаккир олимлар, ёзувчиларнинг асарларида қайд этилган. Масалан, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”да амалдорлар халқдан солиқ йиғишда ҳам, ипак йўлидан ўтаётган савдогарлар карвонларидан олинадиган йиғимларни олишда ҳам адолат ва инсоф билан ёндашишлари белгилаб қўйилган.

Ўз даврининг мутафаккирлари Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур, Аҳмад Дониш, Муқимийларнинг асарларида ҳам амалдорлар томонидан оддий халқнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳолатлари қораланиб, танқид остига олинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейинги ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳотлар билан қамраб олишга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилди. Бу эса ушбу соҳадаги ишларнинг кўламини, миқёсини ва самардорлигини кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайтириш ҳамда янги босқичга кўтариш имконини берди.

Бу борада олиб борилган муҳим йўналишлардан бири бу коррупцияга қарши курашишнинг кучайтирилганлиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мазкур йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида коррупция тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Жамиятда жиноий “хуфиёна иқтисодиёт”нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир”.

Қуйида коррупцияга қарши курашишни ўзида ифода этган қонун ҳужжатлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз бўлади.

Конституциямизнинг 2, 15, 30, 44 ва 58-моддаларида коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар белгиланган. Масалан, Конституциямизнинг 2-моддасида мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги; 15-моддасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши; 44-моддасида шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги ва ҳоказолар белгилаб қўйилган.

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар учун фуқаролик ҳуқуқий, интизомий, жиноий ва маъмурий жавобгарликларни назарда тутган кодекслар қабул қилинди. “Жиноят”, “Маъмурий жавобгарлик”, “Фуқаролик” кодекслари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда жавобгарлик белгиланди.

Фикримизча, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарув органларида коррупциянинг олдини олиш ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга самарали хизмат қилади.

Ваҳоб АСҚАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг раиси в.б.

ҲАЗМ БЎЛМАГАН ПУЛЛАР ҒАЗНАГА ҚАЙТДИ

ХАЛҚИМИЗДА шундай гап бор: қўлингдан келса яхшилик қил, агар келмаса ёмонлик ҳам қилма. Пойтахтимизда истиқомат қилаётган Ойдиной Расулова (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам халқимизга холисона хизмат қилиш, давлатимиз иқтисодиётининг юксалишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Яшнабод туман газ корхонасига ишга кирди.

Ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга киришган Ойдиной қисқа вақтда нафақат жамоанинг, балки корхона томонидан ўзига бириктирилган ҳудуд аҳолисининг ҳам ишончига кирди. Аммо бу ҳолат “қаҳрамон”имизни руҳлантириб, янада самарали меҳнат қилишга ундамади, аксинча уни эзгулик йўлидан қайтариб қинғирлик сари от солишга бошлади.

О.Расулова шу вақтгача ўзига бириктирилган ҳудуд аҳолисининг табиий газдан қарздорликларини бартараф қилиб келар, айрим газдан қарздорлар бўлса банкка бориб юраманми, касса ўз оёғи билан келиб турибди, деган ўй билан нақд пулни Ойдинойнинг қўлига тутқазарди. О.Расулова ҳам пулларга хиёнат қилмасдан корхона ҳисоб рақамига топширарди.

Ўзига тегишли ҳудуд аҳолисининг газдан қарздорликларини кўздан кечиришга отланган О.Расулованинг кўнглида бу сафар эгрилик “вирус”лари жонланаётган эди. У ўзи билан бирга ҳамкасби Нурпўлат Саидовни ҳам қанотига олди. Уларнинг биринчи манзили А.Дониёров хонадони бўлди. Мутахассислар мазкур хонадоннинг газ ўлчагичини кўздан кечирар экан, хонадон соҳибига газдан ўн тўрт миллион сўм қарзи мавжудлигини айтишади. Хонадон соҳибининг боши қотади. Ўн тўрт миллион кичик пул эмас, буни қандай ёпиш мумкин. Вазиятдан унумли фойдаланиш мақсадида Ойдиной хонадон соҳибига 500 АҚШ доллари берса қарздорликни бартараф қилиши мумкинлигини айтади...

О.Расулованинг бошлаган қинғир ишлари илдиз ота бошлайди. Корхона ҳисоб рақамига тушиши керак бўлган пуллар Ойдинойнинг эҳтиёжи йўлида ҳавога совурилади. О.Расулованинг ишончига кирган фуқаролар ҳам мавжуд қарздорликларининг кўпчилигини нақд пул кўринишида унинг қўлига тутқазади. Ўз навбатида, О.Расулова ҳам тўлов пулини топширган фуқароларга тўланди, деган квитанцияларни беришдан ҳам тап тортмайди.

Хуллас, О.Расулова бир икки йил ичида оз эмас, кўп эмас ўзига бириктирилган ҳудуддаги 33 кишининг ишлатилган табиий газ учун тўлаган нақд ўттиз миллион тўққиз юз эллик тўрт минг уч юз сўмини ҳеч иккиланмасдан чўнтагига уради.

О.Расулованинг назарида барча ишлар хамирдан қил суғургандек кетаётган эди. Ахир табиий газ учун тўланаётган нақд пуллар корхона ғазнасида эмас чўнтакда қолиб кетаётсаю, бундан ҳеч ким шикоят қилмаса...

О.Расулованинг ўз фойдаси йўлидаги қинғир ҳаракатлари узоққа чўзилмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинган О.Расулованинг хиёнатли қилмишларига шу ерда нуқта қўйилди.

Суднинг қора курсисига келиб ўтирган О.Расулованинг хаёлидан нималар ўтди экан. Ўзгалар ҳаққини ўзлаштириб фарзандларига ҳаром луқма едирганидан афсусланаётгандир. Балки халқ ва давлатга хиёнат қилиш яхшиликка олиб келмаслигини кеч бўлса-да, англаб афсус-надомат қилаётгандир...

Ҳа, биз аёлларни ҳурмат қиламиз, уларни кўкларга кўтарамиз. Аслида ҳам улар бундан ортиғига муносибдир. Жаннат оналар оёғи остидадир, деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, шундай аёллар ҳам борки, уларни бу табаррук номга муносиб кўргинг келмайди.

Бугун мамлакатимизда коррупцияга, порахўрликка қарши кураш борасида барча чоралар кўрилмоқда. Биз қачонки бу иллатга қарши курашишда ўзимизни дахлдор деб билмас эканмиз, ўша жойда бу иллат илдиз отаверади. Шундай экан, бутун дунёни қалқитиб турган бу иллатга қарши курашда ҳар биримиз ўзимизни масъул деб билмоғимиз ва огоҳ бўлишимиз шарт.

Отабек БОЗОРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Яшнобод туман бўлими суриштирувчиси

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Амударё туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилояти
Яккабоғ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган вилояти
Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳри
Чилонзор туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бухоро вилояти
Когон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хоразм вилояти
Урганч шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилояти
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Миришкор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Нишон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Навоий вилояти
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган вилояти
Мингбулоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Поп туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Поп туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилояти
Боғдод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олтиариқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олтиариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учқўприк туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ўзбекистон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қувасой шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қувасой шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилояти
Пскент туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Ангрен шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Оққўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳри
Учтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс ўз хоҳишига кўра бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки тегишли адлия бошқармасига мурожаат қилиши мумкин. Бунда талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— *комиссия номига ариза;*
— *паспорт нусхаси;*
— *белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
— *меҳнат дафтарчаси (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёки унинг иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
— *олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (нусхаси олиниб, асли қайтарилади).*

Агар талабгор адлия органлари тизимида ишлаётган бўлса фақатгина комиссия номига ариза ва паспорт нусхаси топширилади.

Ҳужжатларни Адлия вазирлигига топшириш учун (0-371) 236-78-52 ва 236-26-06 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин. (Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2018 йил 16 май).

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Лола Алиевага турмуш ўртоғи
Эркин ЭРГАШЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЖАҲОННИ ЎРГАНАМИЗ

ТАРИХДАГИ ИЛК СУҒУРТАЛАР

МИСРДА

Суғуртанинг илк кўринишлари қадимги Миср, Месопотамия ва Грециядa пайдо бўлган. Қадимги юнонлар кемаларни турли табиий офатлардан суғурта қилишган. У тахминан милоддан аввалги саккизинчи-олтинчи асрлардаёқ бошланганини Демосфен ўз рисолаларида қайд этиб ўтган.

Масалан, қадимги Мисрда агар фалокат рўй бериб, пирамида қурувчилардан бирортаси вафот этса ёки оғир жароҳатланса, бошқалар унинг оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун ўзаро пул йиғиб, ёрдам беришган. Римда гладиаторлар ўз ҳаётларини суғурта қилдирган деган маълумотлар тарих саҳифаларида ёзиб қолдирилган. Гладиаторлар ҳалок бўлса, фарзандлари ва оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилган.

АҚШДА

АҚШда суғурта саноати Британия модели асосида барпо этилди. У ерда 1735 йили биринчи суғурта компанияси ташкил топди. 1761 йил 21 майда эса илк бор ҳаёт суғуртаси полиси жорий этилди ва бутун мамлакат миқёсида тарқала бошлади.

ФРАНЦИЯДА

Суғурта шартномаларининг Франция ҳудудидаги ривожланиш тарихи ҳам ўзига хос. Ушбу мамлакат Савдо кодексида фақатгина денгиз суғуртаси қайд этилган, Фуқаролик кодексида эса суғурта шартномаси ҳақида атиги битта модда мавжуд эди. Фуқаролик кодексида таваккалчиликка асосланган шартномалар қаторига суғурта шартномалари ҳам киритилганди. Лекин у ҳақдаги қоидалар жуда қисқа эди. Негаки, ўша модданинг ўзида бу шартнома шу турдаги бошқа шартномалар каби денгиз қонунчилиги билан тартибга солиниши назарда тутилганди. Шу боис суғурта шартномасининг амалда бўлиши фақатгина денгиз суғуртаси доирасида чекланарди. Жюлио де ла Морендр бу ҳақда қуйидагича фикр билдирган: “XIX асрнинг бошларида фақатгина денгиз суғуртаси шартномасини учратиш мумкин бўлиб, Франция Фуқаролик кодексидаги бу бўшлиқ 1930 йилнинг 13 июлига келиб “Суғурта шартномаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан тўлдирилган”. Қонун денгиз суғуртаси билан боғлиқ бўлмаган бошқа суғурта шартномаларини ўз ичига олган.

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

ЯПОНИЯ

Японияниг биринчи конституцияси 1889 йил 11 февралда эълон қилинган ва 1890 йил 29 ноябрда кучга кирган. Бу Конституция — “Эски Конституция” ёки Меи-жи даврида қабул қилингани учун уни “Меи-жи Конституцияси” деб ҳам номланади. У 7 боб, 76 моддадан иборат. Меи-жи Конституцияси Японияда конституцион монархия бошқарув шаклини ўрнатди. Шунингдек, ушбу конституция император вакилларининг кенглиги билан характерланади.

Японияниг амалдаги конституцияси — 1946 йил 24 августда қабул қилинган. У 3 ноябрда эълон қилинган ва 1947 йил 3 майда кучга кирган. Японияда ҳақиқий демократик бошқарув шакли шу санадан бошланган. Ҳозирда 3 май “Конституция куни” сифатида нишонланиб келинмоқда. Шу пайтгача янги Конституцияга биронта ҳам ўзгартириш киритилмаган.

Конституция матни асосан ғолиб давлат АҚШ юристлари томонидан япон ҳуқуқшунослар комиссияси тавсияларини эътиборга олган ҳолда тузилган. Эътиборли тарафи ўтган давр мобайнида Парламентда Конституцияни миллий руҳиятда қайта кўриб чиқиш борасида кўп бор таклифлар билдирилган бўлса-да, шу кунга қадар конституция матнига умуман ўзгартириш киритилмаган.

Гарчи Япония конституциясининг 9-моддасига биноан, Япония келажакда уруш олиб бориш ҳуқуқидан ҳамда қуруқлик, денгиз ва ҳаво ҳарбий кучлар тузиш ҳуқуқидан абадий воз кечган бўлса-да, бугунги кунда Япония ҳарбий харажатлари бўйича дунёда 5-ўринда туради. Ҳарбий кучлар тузиш тақиқланган бўлса-да, ҳозирда фаолият юритаётган ўз-ўзини мудофаа қилиш кучлари расман полициянинг ихтисослашган қисми ҳисобланади. 2015 йилда Япония Парламенти конституция шарҳига ўзгартириш киритди ва Япония ҳарбий кучларини мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш учун хорижда ҳарбий операцияларда иштирок этишга ҳуқуқий асос яратилди.

Интернет материаллари асосида Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.

РЕКЛАМА

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

“ASAKA” акциядорлик тижорат банки

Жорий йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:

“MOBILE-UZ”

Мазкур омонат “ASAKA MOBILE” мобил иловаси орқали расмийлаштирилади.

- Сиз пластик картадаги пул маблағларингизни куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф буюрмасдан омонатга ўтказишингиз ва ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқаришингиз мумкин.
- Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади.
- Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоиз (йиллик).

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий ва хорижий валюталарда 30 дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
“Асака” банк Бош офиси **(0371) 120-39-81, 120-39-60.**

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

“Асака” банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензиялаштирилган

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жўраев Нодир Савриддинович
Каримов Бобур Боходирович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи Зайниддин Мамадалиев
Саҳифаловчи-дизайнер Жамшид Ғофуров

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 12999
Буюртма — V-1450
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 21:40

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5